



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/oiss>

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ КОНЦЕПТУАЛЬ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ

I.M. Хўжахонов*Тарих фанлари номзоди, бош илмий ходим**Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар
билин дўстлик алоқалари қўмитаси*

Калит сўзлар: Амир Темур, манба, ўзлик, Руи Гонсалес де Клавихо, Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздӣ, Зафарнома, Самарқанд.

Аннотация: Ушбу мақолада Амир Темур даврига оид тарихий манбаларда тарихий-этнографик маълумотлар асосида ўз даврига хос турли ўзликларнинг акс этиши таҳлил этилган. Манбалардаги маълумотлар асар муаллифларининг ёндашуви, қарашлари ва ўзлигини англашидан келиб чиқиши мумкинлигига эътиборни қаратган.

REFLECTION OF DIFFERENT IDENTITIES IN HISTORICAL SOURCES OF THE TIME OF AMIR TIMUR

I.M. Khuzhakhanov*Candidate of Historical Sciences, Chief Researcher
Committee on Interethnic Relations and
Friendship Relations with Foreign Countries*

Key words: Amir Temur, source, identity, Ruy Gonzalez de Clavijo, Ibn Arabshah, Sharafuddin Ali Yazdi, Zafarnameh, Samarkand.

Abstract: In this article, on the basis of historical and ethnographic data, the reflection of various identities in historical sources relating to the period of Amir Temur is analyzed. Emphasis is placed on the fact that the information in the sources can be derived from the approach, views and self-consciousness of the authors of the work.

ОТРАЖЕНИЕ РАЗЛИЧНЫХ ИДЕНТИЧНОСТЕЙ В ИСТОРИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ ВРЕМЕН АМИРА ТИМУРА

I.M. Хўжахонов*Кандидат исторических наук, главный научный сотрудник
Комитет по межнациональным отношениям и
связям дружбы с зарубежными странами*

Ключевые слова: Амир Темур, источник, идентичность, Руи Гонсалес де Клавихо, Ибн Арабшах, Шарафуддин Али Язди, Зафарнаме, Самарканд.

Аннотация: В данной статье на основе историко-этнографических данных анализируется отражение различных идентичностей, в исторических источниках, относящихся к периоду Амира Темура. Делается акцент на том, что информация в источниках может быть выведена из подхода, взглядов и самосознания авторов произведения.

КИРИШ

Амир Темур нафақат ўзбек давлатчилиги тарихида балки бутун Евроосиё тарихида ёрқин из қолдирган хукмдор хисобланади. У барпо этган салтанатнинг куч-қудрати, унинг ҳарбий юришлари, бунёдкорлик ишлари ва бошқалар ҳақида тарихий манбаларда бой маълумотлар келтирилган. Сохибқирон ҳали тириклик давридаёт, унинг шахси ва амалга оширган ишлари тўғрисида оддий ҳалқ орасида уни илоҳийлаштирувчи ривоятлар ва айrim салбий афсоналар ҳам тўқилган. Темур даври тарихига оид кўплаб манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари хорижлик тарихчи ва сайёҳларнинг қаламига мансуб. Ушбу мақолада биз уларнинг айримларидағи маълумотларни ўзликни англаш нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Амир Темур даврига оид эътиборга молик тарихий асарлардан бири испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг саёҳат кундалиги хисобланади. Унда Клавихо ўзининг 1403-1406 йиллардаги саргузашти давомида кўрган кечиргандари ҳақида, хусусан, Амир Темур салтанати ҳақида маълумотлар келтиради. Клавихони Темур курдирган боғлар, Шахрисабздаги Кўксарой ва Самарқанд шаҳрининг катталиги, иморатлари, саройлари ва масжидлар ҳайрон қолдиргани маълум. Самарқанд шаҳри ҳунармандчилик маркази эканлиги, у ерда Шарқнинг турли худудларидан келтирилган ҳунармандлар яшashi, шаҳарнинг бойлиги фақат озиқ-овқатнинг мўллиги билан белгиланмасдан, балки шойи матолар, атлас, мўйнадан қилинган кийимлар ва шунга ўхшаш сон-саноқсиз моллари билан ажralиб туриши ҳақида ёzádi.

МУҲОКАМА

Унинг маълумотларига кўра, шаҳар аҳолиси орасида “турли ҳалқлар – турклар, араблар, маврлар ва бошқалар, арман ва юонон католиклари, несторианлар ва якобитлар, шунингдек, сувга чўмилиш маросимини юзларидағи олов билан ўтказадиганлар, яъни ўзига хос тушунчага эга насронийлар” (1.110) – бўлган.

Клавихони Самарқанд шаҳридан унча узоқ бўлмаган майдонда (Конигил) Темурнинг буйруги билан мамлакатнинг турли худудларидан келган кишилар томонидан уч кун ичida 20 минг атрофида чодир тикланиб, ўзгача бир кўриниш касб этгани, бунда ҳар бир амалдор ўзининг мақомига қараб хукмдорнинг баланд ва маҳобатли чодири атрофида чодир тиклай бошлаганлиги ҳайратга солғанлиги аниқ (1.115). Бу ерда нафақат саркардалар, балки ошпазлар, қассоблар, нонвойлар, арпа ва мева сотувчилар кўчиб келиб, ҳар бирлари алоҳида кўчаларга жойлаша бошлаганлигини қайд этади. Унинг ёзишича, кўшин билан бирга доимо ҳаммомлар ва масжидлар ҳам кўчириб юрилган.

Клавихо Амир Темур урушлардан ташқари кўпинча бўш вақтини шаҳар атрофидаги боғларда ўтказишини таъкидлайди. Бу боғларда Темур ёки унинг аёллари, набиралари бошчилигига кўнгилочар базму жамшиidlар уюштирилган. Испан элчиси Темурнинг отаси ҳақида ёзар экан, туркий қавмларга хос муҳим бир ўзликни қайд этади: “Унинг отаси ҳам шаҳарга яқин қишлоқда яшаган, бу қабиланинг аслзодалари шаҳардан кўра экин майдонларига эга қишлоқларда яшашни афзал кўришган”. Демак, Амир Темурнинг Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарлари атрофида кўплаб боғу роғларни барпо этишида табиатга яқин бўлишдек туркий ўзлик муҳим омил бўлган дейишимиз мумкин.

Клавихо Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни Мўғалия (Мўғулистан), унинг аҳолиси тилини эса мўғул тили деб атайди. Мовароуннахр ҳудудини Самарқанд ерлари, Темур давлатини ҳам Самарқанд империяси деб ёзади.

Темур ҳақида ёзар экан, уни гарчи Кешда туғилган бўлсада, аслида бу ерлик бўлмаганлигини, балки чигатой деб аталувчи қабилалардан бирига тааллуқли бўлган ва татарларга мансуб бўлган, бу ерга Тарталиядан келган деб ёзади (1.104). Клавихо Дашиби Қипчоқ ерларини ўша давр Европа анъанасига хос тарзда Тарталия деб, мўғул қўшинидаги туркий қавмларни эса татарлар деб атайди. Клавихо турк деганда фақат Боязидни ва бошқа усмонли туркларни назарда тутади.

Темур даври тарихига оид яна бир асар Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб. Ибн Арабшоҳ асли Дамашқлик бўлиб, Темур уни оиласи билан Самарқандга мажбуран келтирган. У 1389 йилда туғилган. Ибн Арабшоҳ Самарқандга келган пайтида 12 ёш бўлган ва ушбу асарини кейинчалик, 1436-1437 йилларда ёзган. Унинг Темурга нисбатан босқинчи сифатида қараганлиги ва асарда унга нисбатан танқидий ёндашганлигининг сабаби шу бўлса керак.

Назаримизда Ибн Арабшоҳнинг асарида Темурнинг Шом, Ироқ, Миср каби мусулмон ўлкаларига юришлари ва улар билан шариат, мазҳаблар ва ҳақиқат бўйича савол жавоблари марказий ўринни эгаллайди. Муаллиф ушбу урушларни Чингизхон тавротига (ясоқ) эътиқод қилувчи Темурнинг чин мусулмонлар устига юриши сифатида қоралашга ҳаракат қилсада (2.204), лекин ушбу мамлакатлар олимлари билан савол жавоблари Темурнинг асл мақсади шариятга зид эмаслигини кўрсатади.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур Шом ва Ироқ каби юртларга борганда нима учун сизлар Муовия (р.а.)ни ўзларингга ҳалифа деб биласизлар? Ахир у Али (р.а.) ва уни авлодларини ўлдириб ҳалифаликка эришган, деган норозилик кайфиятини билдиради. Бу бўйича саволлар беради. Масалан, Темур Халаб шахри қальясини эгаллаганининг иккинчи куни шаҳар олимлари ва қозиларини чорлаб, Бухоро, Самарқанд, Ҳирот ва бошқа ўзим фатҳ қилган мамлакатлар олимларидан сўраган нарсамни сўрайман, “бизлардан ўлганлар шаҳидми ёки сизлардан?” деган тарзда савол беради. Бу саволга шаҳар шайхи ҳадис орқали жавоб беришга ҳаракат қиласи, яъни, бир аробий Пайғамбаримиз (с.а.в.) олдиларига келиб, бир киши ўз шарафи учун жанг қиласи, бошқа бир киши шижаот кўрсатиш учун уруш қиласи, яна бири эса ўз қудратини кўрсатиш учун қиласи. Шулардан қайси биримиз Худо йўлида шаҳидмиз? Шунда пайғамбаримиз (с.а.в.) “Кимки тангрининг сўзи ҳамма нарсадан олий бўлиши учун курашса - ана ўша шаҳид ҳисобланади” - деганлар. Темур “хўб, хўб”, яъни мақул дейди. (2.208) Темур олимлар билан яна савол жавоблар қиласи, унинг охирги саволи қуйидагича бўлади: Али (р.а.), Муовия (р.а.), Язид хусусида нима дейсизлар? Бундан кўриниб турибдики, исломдаги илк бўлиниш масаласи Темур даврида ҳали ўз долзарблигини йўқотмаган эди.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур аскарлари ичida бутпараст турклар, оловга сажда қилувчи мажусий ажамлар, коҳинлару сеҳргарлар, золимлару мункирлар бор эди. Бутпарастлар ўз санамларини кўтариб юрар, коҳинлар эса қаломларини сажъ билан ифода қилишган (2.96). Арабшоҳ ҳам ўз асарида Мовароуннахрдаги турк-мўғулларни чигатойлар деб, Дашибликларни эса тоторлар деб деб атайди. Гарчи юқоридаги манбаларда шундай қайд этилган бўлсада, лекин бизга маълумки, Темур ва темурийлар хеч қачон ўзларини чигатойлар деб атамаган, балки турклар, туркий қавм деб атаган.

НАТИЖАЛАР

Темур даври тарихи бўйича энг мукаммал ва ҳақиқатга энг яқини деб тарифланадиган асар бу Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сидир. Шарафиддин Али Яздий Эроннинг Форс вилояти шимолидаги Язд шаҳрида туғилган. У темурийлар саройида хизмат қилган. Зафарнома асарини ҳам у Амир Темурнинг набираси Иброҳим Султоннинг ташаббуси билан ёзган. Бундан мақсад Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини тўлиқ, ҳақиқатга яқин тарзда ёритиб берувчи асарнинг мавжуд эмаслиги эди. Айнан ушбу

асарни темурийларнинг ўзлигини кўпроқ намоён этади, деб айтиш мумкин. Хусусан, асарда Амир Темурнинг уч, беш ва етти йиллик урушларининг сабаблари келтирилган бўлиб, 1385 йилгача, яъни Тўхтамишнинг Эронни босиб олиш мақсадида Табризга бостириб киришига қадар, Соҳибқироннинг бошқа ўлкаларга юриш қилиш аниқ мақсади бўлмаган. Асосий урушлари ўзига яққол душман бўлган худудлар, мусулмонларга заҳмат етказиб турган мусулмон бўлмаган давлатлар ва ҳоказолар ташкил қилган. Лекин шу воқеадан кейин Тўхтамишхондан олдин Эронни босиб олишга киришади. Балки, Холугайнинг мулкларини тўлалигича қўлга киритишга ҳаракат қиласиди. Ироқ, Шом ва Шарқий Анатолияни эгаллайди. Чунки, бу ерларнинг ҳокимлари Темурнинг душманларига паноҳ берганди, унга ҳавф солиб туради (3.107). Темурнинг кўп йиллик юришларининг яна бир сабаби сифатида муаллиф Мўғалистон, Эрон ва Ироқда Буюк ипак йулини ҳавфсизлигини таъминлаш бўлганлиги, чунки, бу даврда нафақат карвонлар, балки, элчилар ҳам бемалол бу юртлардан қатнай олмай қолганлигини келтиради. Шунингдек, Ҳаж сафарига бориши ҳам ҳавфли бўлиб қолганди. Темур бирор мамлакатни фатҳ қиласиди, у ерда ободончилик ишларини қилганлигини қайд этади. (3.204)

Али Яздийнинг асарида Темурнинг Даشتликлар ва жетеларга қарши урушига кўп ургу бериладики, бу Темур ва темурийларнинг асосий рақиблари айнан улар бўлганлигидан балолат беради. Асарда XIV асрга хос бўлган бой географик номлар келтирилган бўлиб, Ироқ ва Шарқий Анатолиядан то ҳозирги Хитой марказигача ва форс кўрфазидан то Кама дарёси ҳавзасигача бўлган жой, сув, кент, шаҳар, тоғ ва довонларнинг қарлуқча номлари келтирилади. Бу эса ушбу худудларда XIV асрда қарлуқ лаҳжаси кенг тарқалганлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур даври тарихига оид манбалар ўзининг мазмуни, ёндашув усули, тузилиши, муаллифларнинг қарашлари жиҳатидан турли хил бўлиб, уларда ўша даврга хос турли ўзликлар ҳам ўз ифодасини топган. Шу боис ушбу манбаларни ўзликни англаш нуқтаи назаридан талқин қилиш Темур даврига оид айrim масалаларни кенгроқ тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Перевод со староиспанского. М.: “Наука”, 1990.
2. Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-2-китоб. Тошкент: “Меҳнат”, 1992.
3. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент: “Шарқ”, 1997.